# БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

**Меҳнат интизоми** ошди. Иш вақтининг зое ўтиши қисқарди. Меҳнаткашларни асосий фаолиятдан ўринсиз чалғитиш камая бошлади. Аммо бундай чалғитиш миқёслари ҳали ҳам катта.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг хўжалик юритиш пировард натижаларини яхшилашга қаратилган илғор формалари оммалаштирилди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилди.

**Шу билан бирга республика халқ хўжалигини интенсивлаш изларига ўтказиш суст олиб борилмоқда, кўпгина меҳнат коллективлари ҳали ҳам қайта қуришга қўшилгани йўқ.** Маҳсулотларнинг янгилаб турилишини, техникавий даражасини, сифатини ва пишиқ-пухталигини ошириш иши унчалик кенг миқёсда олиб борилмаяпти.

## I. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Республикада илғор технологиядан фойдаланиш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш негизида халқ хўжалиги тармоқларининг техникавий даражасини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга ва техника билан қайта қуроллантиришга давлатнинг 800 миллион сўмга яқин ёки ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан 21 процент кўп капитал маблағ ишлатилди.

**Саноатда** 32 саноат роботи жорий этилди, 114 та механизациялаштирилган поток ва автомат линия ўрнатилди. 182 та участка ва цех комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Саноат маҳсулотининг 17 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошлади.

**Ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида** ресурсларни тежайдиган технологияларни қўлланиш миқёслари кенгайтирилди.

Қатламга таъсир ўтказишнинг янги методларини қўлланиб нефть қазиб чиқариш кўпайтирилди.

**Машинасозлик комплексида** штамповка, поковка, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган илғор технология жараёнларидан фойдаланиш кенгайди, материалларни плазма усулида ишлайдиган юксак самарали асбоб-ускуналар жорий қилинди.

**Халқ истеъмоли моллари** ишлаб чиқариш кўпаймоқда, аммо улардан кўпларининг сифати ҳали ҳам харидорларнинг ошиб бораётган талабларига мос келмайди.

**Агросаноат комплексида** чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш амалга оширилди, говмуш сигирларнинг зотини ва маҳсулдорлик сифатларини ошириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга хўжаликларда кўпгина қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун керакли машиналар, шунингдек, озиқ-овқат саноатида янги асбоб-ускуналарнинг зарур системаси йўқлиги маҳсулотнинг нобуд бўлишини кескин қисқартиришни таъминлаш имкониятини бермаяпти.

**Қурилиш комплексида** индустриялаш даражасини кўтариш тадбирлари амалга оширилди. Йирик панелли, ҳажмли-блок ва йирик блок қурилиши ҳажмлари, янги материаллар ва конструкциялардан фойдаланиш кўпайди.

Бироқ қурилиш ва монтаж ишларини комплекс механизациялашни таъминлайдиган машиналардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Бинокорлик материаллари саноатида энергияни тежайдиган технологиялар асосида цемент ишлаб чиқариш суст кўпаймоқда.

Фан ва техникани ривожлантириш плани бажарилмади. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

## II. САНОАТ

**Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми** йиллик планда белгиланган 4,8 процент ўрнига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6.6 процент кўпайди.

Машинасозлик, химия ва нефть химияси саноати, электр энергетика, ёқилғи саноати илдам суръатлар билан ривожланди.

Кўпгина министрликларда маҳсулот етказиб-бериш юзасидан белгиланган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши 1985 йилнинг шу даврига нисбатан яхшиланди. Маҳсулот реализация қилиш плани 102 процент бажарилди.

**Меҳнат унумдорлиги** 4,4 процент ошди. Ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 68 проценти шу йўл билан олинди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача иш ҳақининг ошишидан илдамроқ борди.

Республикада корхоналарни икки-уч сменали иш режимига ўтказишни ташкил этиш иши бошланди.

Саноат маҳсулотининг **таннархини** камайтириш юзасидан планда белгиланган топшириқлар бажарилди.

**Комплекслар** ва **министрликларда** ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари, саноат маҳсулотини реализация қилиш планининг бажарилиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| Комплекслар, Умумиттифоқ, Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари | 1986 йилнинг тўққиз ойида 1985 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида: Ишлаб чиқариш ҳажми | Меҳнат унумдорлиги | Маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиш процентн |
|---|---|---|---|
| **Ёқилғи-энергетика комплекси** | 110 | 108 | 103 |
| Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги | 109 | 107 | 100,9 |
| СССР Нефть саноати министрлиги | 102 | 102 | 104 |
| Газ саноати министрлиги | 121 | 122 | 107 |
| СССР Кўмир саноати министрлиги | 108 | 104 | 114 |
| **Металлургия комплекси** | 106 | 105 | 101 |
| СССР Қора металлургия министрлиги | 107 | 108 | 100,6 |
| СССР Рангли металлургия министрлиги | 106 | 105 | 101 |
| **Машинасозлик комплекси** | 107 | 104 | 100,8 |
| Электр техника саноати министрлиги | 107 | 106 | 98 |
| Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги | 107 | 107 | 105 |
| Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги | 109 | 112 | 100,9 |
| Автомобиль саноати министрлиги | 104 | 104 | 100,5 |
| Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги | 106 | 105 | 102 |
| Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги | 105 | 104 | 105 |
| **Ўрмон химияси комплекси** | 114 | 111 | 101 |
| СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги | 99,3 | 99,1 | 102 |
| Химия саноати министрлиги | 113 | 112 | 101 |
| Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги | 121 | 116 | 101 |
| Медицина ва микробиология саноати министрлиги | 110 | 106 | 98 |
| Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги | 105 | 104 | 102 |
| **Агросаноат комплекси** | 107 | 105 | 103 |
| Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети | 105 | 104 | 103 |
| Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети | 99,4 | 101 | 110 |
| Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги | 104 | 100,6 | 105 |
| * * * | | | |
| Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги | 103 | 105 | 100,4 |
| Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги | 105 | 106 | 99.8 |
| Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги | 107 | 103 | 100,9 |

**Қорақалпоғистон АССРда, областларда ва Тошкент шаҳрида** ўсиш суръатлари ва маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| | 1986 йилнинг тўққиз ойида 1985 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида: Ишлаб чиқариш ҳажми | Меҳнат унумдорлиги | Маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиш проценти |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон АССР | 103 | 99 | 105 |
| Андижон области | 99,0 | 93 | 99,8 |
| Бухоро области | 112 | 110 | 103 |
| Жиззах области | 118 | 115 | 100,6 |
| Қашқадарё области | 122 | 119 | 100,3 |
| Навоий области | 108 | 105 | 100,0 |
| Наманган области | 104 | 99,2 | 102 |
| Самарқанд области | 101 | 100,4 | 102 |
| Сурхондарё области | 118 | 114 | 106 |
| Сирдарё области | 109 | 109 | 100,7 |
| Тошкент области | 106 | 105 | 102 |
| Фарғона области | 107 | 105 | 102 |
| Хоразм области | 106 | 103 | 106 |
| Тошкент шаҳри | 105 | 103 | 101 |

Умуман республикада **маҳсулотнинг энг муҳим турларини** ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1986 йил тўққиз ойида ишлаб чиқарилди | 1986 йил тўққиз ойида 1985 йил тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида | 1986 йил тўққиз ойи планининг бажарилиш проценти |
|---|---|---|---|
| **Ёқилғи-энергетика комплекси** | | | |
| Электр, энергия, миллиард киловатт-соат | 38,1 | 109 | 100,1 |
| **Машинасозлик комплекси** | | | |
| Куч трансформаторлари, минг киловольт-ампер | 5805 | 101 | 97 |
| Бронекабель, минг километр | 15,0 | 98 | 98 |
| Компрессорлар, минг дона | 8,7 | 101 | 99,5 |
| Тракторлар, минг дона | 19,9 | 100,6 | 100,5 |
| Трактор сеялкалари ,минг дона | 6.2 | 102 | 101 |
| Трактор культиваторлари, минг дона | 18,1 | 104 | 101 |
| Пахта териш машиналари, минг дона | 6,8 | 97 | 100,6 |
| Осма электр кранлар (махсус кранлар ҳам шу ҳисобга киради) дона | 1124 | 102 | 100,4 |
| Экскаваторлар, дона | 1145 | 97 | 100,9 |
| **Ўрмон химияси комплекси** | | | |
| Минерал ўғитлар (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланганда), минг тонна | 1313,3 | 115 | 100,8 |
| Олтингугурт кислотаси, минг тонна | 1848,7 | 109 | 104 |
| Химиявий тола ва иплар, минг тонна | 31,3 | 113 | 91 |
| Қоғоз, минг тонна | 19,3 | 103 | 100,5 |
| Картон, минг тонна | 41,6 | 101 | 100,9 |
| * * * | | | |
| Йиғма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар, миллион кубометр | 4,6 | 102 | 99,4 |
| Шифер, миллион шартли тахта | 333 | 104 | 100.5 |
| Иморатбоп ғишт, миллион дона | 1440 | 103 | 99 |
| **Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш** | | | |
| Ип газламалар, миллион квадрат-метр | 268,6 | 103 | 90 |
| Шойи газламалар, миллион квадрат-метр | 100,1 | 93 | 99,4 |
| Нотўқима материаллар, миллион квадрат-метр | 100,6 | 116 | 101 |
| Пайпоқлар, миллион жуфт | 54,6 | 117 | 103 |
| Ички трикотаж, миллион дона | 39,3 | 132 | 101 |
| Устки трикотаж, миллион дона | 15,7 | 103 | 100,3 |
| Пойабзал. миллион жуфт | 27,2 | 103 | 102 |
| Чинни-фаянс идишлар, миллион дона | 47,9 | 100,7 | 101 |

Тўққиз ойлик пландан ташқари 53 миллион киловатт-соат электр энергия, 95 та трактор, 239 та трактор культиватори, 41 та пахта териш машинаси, 10 минг тонна минерал ўғит, 77.8 минг тонна олтингугурт кислотаси, 2,8 минг тонна капролактам, 1.5 миллионта шартли шифер тахтаси ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмоли молларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилди. Пландан ташқари 0,6 миллионта ички ва устки трикотаж, 1,7 миллион жуфт пайпоқ, 0,5 миллионта чинни-фаянс идишлар, 0,8 миллион сўмлик мебель ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга саноат ишидаги камчиликлар сусткашлик билан тугатилмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари шартномалар ва нарядларда белгиланган номенклатурага нисбатан 254 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар. Ҳар уч корхонанинг бири шартнома интизомининг бузилишига йўл қўйди. Умуман саноатда маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш плани 98,1 процент бажарилди. Электр техника, Енгил ва Маҳаллий саноат министрликларининг бирлашма ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномада олган мажбуриятларини бажариш соҳасида анча орқада қолишга йўл қўйдилар. Қора металлургия, Электр техника ва Маҳаллий саноат министрликларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот етказиб бериш планининг бажарилиши ёмонлашди

Бронекабель, ўзгарувчан ток электр двигателлари, дизеллар, марказдан қочирма насослар, синтетик аммиак, синтетик смола ва пластмассалар, химиявий тола ва иплар, ип ва шойи газламалар ҳамда бошқа маҳсулотлар планда белгиланганидан камроқ ишлаб чиқарилди.

Бир қанча тармоқлар ва аввало, машинасозлик ҳамон бир маромда ишламаяпти. Электр техника саноати, қурилиш, йўл ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги маҳсулотининг айрим турлари соҳасида ойлик программада белгиланган маҳсулотнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ойнинг охирги кунларида ишлаб чиқарилмоқда, бу эса маҳсулот сифатининг пасайишига олиб бормоқда, транспорт ишида қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Кўпгина бирлашма ва корхоналарда асосий фондлардан самарасиз фойдаланилмоқда. Машинасозликда металл ишлаш асбоб-ускуналари бир сменадан сал кўпроқ ишлатилмоқда.

Бир қанча министрлик ва идораларнинг корхоналари ҳамда бирлашмалари янги ишга туширилган ва реконструкция қилинган қувватларни кечикиб ўзлаштирдилар, моддий ресурсларни тежаш, таннархни камайтириш, молиявий натижалар юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар.

## III. АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплексида йиғим-терим ишлари ўтказилмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланмоқда.

21 октябрга қадар республика пахтакорлари 3 миллион 795,7 минг тонна ёки планнинг 66,6 проценти миқдорида пахта териб олдилар.

13 октябргача 422,5 минг гектар ердаги ёки ажратилган майдонларнинг 91 процентидаги дон ва дуккакли дон экинлари (маккажўхоридан ташқари) йиғиштириб олинди.

Бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олишга оид маълумотлар қуйидагича:

(минг гектар)

| | 1986 йил 13 октябргача йиғиштириб олинди | Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида | 1985 йил 14 октябрдаги ҳолатга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Дон учун экилган маккажўхори | 93,8 | 83 | 88 |
| Картошка | 16,3 | 76 | 77 |
| Сабзавотлар | 37,6 | 53 | 61 |

13 октябрга қадар озуқа бирлиги ҳисобида 2,5 миллион тонна ем-хашак ғамлаб олинди. Ҳар бош шартли қорамол ҳисобига бултурги 13,2 центнер ўрнига 13,3 центнер озуқа бирлиги бостириб қўйилди. Аммо ем-хашак тайёрлаш плани паст даражада бажарилмоқда.

1987 йил ҳосилига замин яратиш ишлари ўтказилмоқда. 211,8 минг гектар ерга ёки планнинг 34 процентига кузги экинлар уруғи ташланди. 175,6 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 8,2 минг гектар кўп ер шудгор қилинди.

Андижон, Наманган ва Фарғона областларининг колхоз ҳамда совхозлари дон сотиш планини бажардилар.

Республикада картошка, сабзавот, мева ва резавор мева, узум ҳамда озиқ-овқат бўладиган полиз маҳсулотлари харид қилиш тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича:

(минг тонна)

| | 1986 йил 13 октябргача харид қилинди | Йиллик планнинг бажарилиш проценти |
|---|---|---|
| Картошка | 162,7 | 97 |
| Сабзавотлар | 1610,3 | 86 |
| Мева ва резавор мевалар | 243,9 | 72 |
| Узум | 442,4 | 73 |
| Озиқ-овқат бўладиган полиз маҳсулотлари | 483,7 | 74 |

Умуман, республикада 47,8 минг тонна ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42 процент кўп картошка, 135 минг тонна (ёки 9 процент) кўп сабзавот харид қилинди. Шу билан бирга Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областида картошка, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Хоразм областларида сабзавотлар камроқ харид қилинди. Умуман республикада мева ва резавор мевалар, узум ва озиқ-овқат бўладиган полиз маҳсулотлари камроқ харид этилди.

Давлатга деҳқончилик маҳсулотларини сотиш давом этмоқда.

Пландаги ҳажм ҳисобидан колхоз бозорларида сотилаётган маҳсулотнинг солиштирма улуши ҳали ҳам оз.

Колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 2 процент, сут етиштириш 7 процент ва тухум етиштириш 11 процент кўпайди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга асосан чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 7 процент, тухумга кирган товуқдан олинган тухум ўрта ҳисобда 5 процент кўпайди. Қорамол ва чўчқаларнинг ўртача суткалик семириши ошди. Бузоқ ва чўчқа боласи кўпроқ олинди, қорамол ва чўчқалар туёғини сақлаб қолиш яхшиланди.

Колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда **маҳсулдор чорва моллар ва паррандалар сони** қуйидагича бўлди:

Минг бош

| | 1 октябргача: 1985 йил | 1986 йил |
|---|---|---|
| Қорамоллар | 1690,2 | 1660,0 |
| Шу жумладан, сигирлар | 453,5 | 445,1 |
| Чўчқалар | 556,4 | 595,4 |
| Қўй ва эчкилар | 6292,0 | 5934,8 |
| Паррандалар | 27658,0 | 27330,3 |

Ҳамма категориядаги хўжаликларда **давлат йўли билан харид қилинган чорвачилик маҳсулотлари** қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| | Тўққиз ой: 1986 йил | 1986 йилда 1985 йилга нисбатан процент ҳисобида | 1986 йил тўққиз ойи планининг бажарилиш проценти |
|---|---|---|---|
| Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна | 248,8 | 107,5 | 101,9 |
| Сут, минг тонна | 658,2 | 111,8 | 99,6 |
| Тухум, миллион дона | 911,1 | 108,2 | 101,6 |

Чорва ва парранда харид қилиш тўққиз ойлик планини Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё областлари; сут харид қилиш тўққиз ойлик планини Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, областлари; тухум харид қилиш тўққиз ойлик планини Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Хоразм областларининг хўжаликлари бажармадилар.

Агросаноат комплекси **озиқ-овқат тармоқларининг ходимлари** маҳсулот ишлаб чиқаришнинг планлаштирилган ҳажмларини асосан таъминладилар:

| | 1986 йил тўққиз ойида ишлаб чиқарилди | 1986 йил тўққиз ойида 1985 йил тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида | 1986 йил тўққиз ойи планининг бажарилиш проценти |
|---|---|---|---|
| Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна | 188 | 105 | 101 |
| Колбасалар, минг тонна | 41,1 | 104 | 104 |
| Сариёғ, минг тонна | 10,8 | 130 | 103 |
| **Қаймоғи олинмаган сут** маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда, минг тонна | 442,2 | 106 | 106 |
| Маргарин, минг тонна | 19,5 | 96 | 100,2 |
| Ўсимлик ёғи, минг тонна | 363 | 115 | 100,8 |
| Макаронлар, минг тонна | 56,9 | 100,2 | 100,6 |
| Кондитер маҳсулотлари, минг тонна | 123 | 102 | 99,3 |
| Консервалар, миллион шартли банка | 805 | 114 | 105 |
| Минерал сув, миллион шиша | 163,9 | 147 | 99,2 |
| Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 12 | 127 | 83 |

Ликер-арақ ва виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қисқариб бормоқда.

**Агросаноат комплексининг моддий-техника базаси** мустаҳкамланмоқда. Асосий турдаги техника ва озуқанинг химиявий қўшимчаларини етказиб бериш плани бажарилди. Қишлоқ хўжалигига 13,6 мингта трактор, 1006 та дон комбайни, 617 та силос йиғиш ва озуқа йиғиш комбайни, 197 та маккажўхори ўриш комбайни, 382 та қаторли ўроқ машинаси, 5,7 мингта трактор плуги, 9,8 мингта культиватор, 6,2 мингта сеялка, 3,7 мингта косилка, тупроққа минерал ўғит соладиган 1336 та машина, 801 та пресспод-боршчик, 122 та дон тозалаш машинаси, 3,7 мингта пахта териш машинаси етказиб берилди. Қишлоқ хўжалиги бир миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғит (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланганда) ва ем-хашакка қўшиб бериладиган 0,7 минг тонна химиявий модда олди.

СССР Озиқ-овқат программасини бажаришни таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга 2,6 миллиард сўм **капитал маблағ** сарфланди.

25,2 минг бош қорамол, 11,7 минг бош қўй, 49 мингта парранда боқиладиган чорвачилик бинолари қурилди.

45 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланиш учун қабул этилди, 159 минг гектар яйловга сув чиқарилди, илгаридан суғориб келинган 64 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Илгаридан суғориб келинган 46 минг гектар ер яхшилаб текисланди, илгари сув чиқарилган 703 минг гектар майдондаги сув хўжалиги иншоотлари реконструкция қилинди, 114 минг гектар ерни сув билан таъминлайдиган суғориш системаларини қайта қуриш ва уларнинг сув таъминотини ошириш ишлари бажарилди.

Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди. Минерал ўғит сақланадиган механизациялашган омборлар, ёрма ва ун тортадиган корхоналар ҳамда бошқа объектлар фойдаланиш учун топширилди.

## IV. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Ўрта Осиё темир йўлининг** Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлимлари халқ хўжалик юкларини ортиш тўққиз ойлик планини 105 процент қилиб бажарди, 1985 йилнинг январь—сентябрига нисбатан юк ортиш 7 процент кўпайди. Ҳаракат составидан фойдаланиш эксплуатация кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди: вагонга тушадиган статик нагрузка, юк ҳаракатидаги участка тезлиги, локомотивнинг ўртача суткалик қатнови юзасидан тўққиз ойлик топшириқ ошириб бажарилди. Аммо йўлнинг юк вагони оборотини тезлатмаган ва вагоннинг бир юк операциясида бекор туришини камайтира олмаган бўлимлари ҳам бўлди.

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида** пассажирлар ташиш ва пассажир обороти ҳажми 4 процент ортди. Пассажирлар ташиш ва енгил таксомоторларнинг пулли қатнови тўққиз ойлик плани бажарилди, бироқ юк ташиш плани 83 процент, юк обороти плани эса 84 процент бажарилди, холос.

**Ҳаво транспорти** пассажир обороти, пассажирлар, юк ташиш, авиациянинг халқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатиш иш ҳажми юзасидан январь — сентябрь планини ошириб бажарди. 1986 йилнинг январь—сентябри мобайнида 4,2 миллион киши ташилди.

**Алоқа корхоналари** даромадлар планини бажарди; улар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 процент кўпайди.

## V. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат капитал маблағлари ҳисобига **асосий фондларни** ишга солиш 3,2 миллиард сўмни ёки тўққиз ойлик планнинг 82 процентини ташкил этди. 4,1 миллиард сўмлик давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди. Капитал маблағларнинг шу даврга белгиланган лимитидан 93 процент фойдаланилди.

Министрликларда план бажарилиши, асосий фондлар ва давлат капитал маблағларини ишга туширишнинг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

| Умумиттифоқ, Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари | Асосий фондларни ишга тушириш: 1986 йилнинг тўққиз ойида 1985 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида | 1986 йилнинг тўққиз ойида план бажарилиш проценти | Давлат капитал маблағлари: 1986 йилнинг тўққиз ойида 1985 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида | 1986 йилнинг тўққиз ойида лимитдан фойдаланиш проценти |
|---|---|---|---|---|
| **Ёқилғи-энергетика комплекси** | | | | |
| СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги | 30 | 73 | 64 | 89 |
| Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги | 64 | 133 | 124 | 101 |
| СССР Нефть саноати министрлиги | 137 | 102 | 107 | 104 |
| СССР Газ саноати министрлиги | 65 | 107 | 66 | 92 |
| Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» бирлашмаси | 123 | 101 | 103 | 100,4 |
| СССР Кўмир саноати министрлиги | 213 | 90 | 85 | 100,9 |
| **Металлургия комплекси** | | | | |
| СССР Қора металлургия министрлиги | 238 | 116 | 116 | 85 |
| СССР Рангли металлургия министрлиги | 290 | 105 | 85 | 99,8 |
| **Машинасозлик комплекси** | | | | |
| СССР Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлиги | 119 | 37 | 180 | 107 |
| СССР Электротехника саноати министрлиги | 19 | 65 | 99,0 | 63 |
| СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги | 74 | 44 | 144 | 91 |
| СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги | 148 | 40 | 130 | 101 |
| СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги | 138 | 72 | 155 | 87 |
| СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги | 209 | 93 | 97 | 85 |
| СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги | 79 | 66 | 76 | 50 |
| СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор приборлари министрлиги | 81 | 52 | 134 | 97 |
| **Химия-ўрмон комплекси** | | | | |
| СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги | 51 | 38 | 238 | 99,5 |
| СССР Химия саноати министрлиги | 145 | 55 | 108 | 84 |
| СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги | 152 | 31 | 90 | 91 |
| СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги | 68 | 17 | 81 | 71 |
| **Агросаноат комплекси** | | | | |
| СССР Давлат агросаноат комитети | 111 | 57 | 120 | 84 |
| Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети | 116 | 91 | 104 | 100,3 |
| Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети | 179 | 63 | 107 | 80 |
| СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги | 85 | 83 | 146 | 88 |
| Ўзбекистон СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги | 140 | 81 | 101 | 98 |
| СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги | 107 | 98 | 113 | 85 |
| Главсредазирсовхозстрой (территория бўйича) | 100,1 | 75 | 95 | 97 |
| Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги | 94 | 99,7 | 100,2 | 100,1 |
| * * * | | | | |
| Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги | 86 | 85 | 114 | 88 |
| СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги | 75 | 22 | 134 | 45 |
| Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги | 241 | 112 | 134 | 94 |

Республика ишлаб чиқариш аппаратини техника жиҳатидан қайта жиҳозлашни таъминловчи машинасозлик комплексини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 процент кўпайди.

Тошкент областидаги Ангрен кўмир разрезида кўмир қазиб чиқарувчи, Тошкент «Компрессор» заводида компрессорлар ишлаб чиқарувчи, Тошкент ва Қапчиғай темир-бетон маҳсулотлари заводларида йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, Қўнғирот ғишт заводида ғишт пиширувчи қувватлар ишга туширилди. Тўрткўлдаги ип йигирув-тўқув фабрикасида ип йигириш ўрчуқлари ўрнатилди.

Аммо давлат плани номенклатурасидаги объектларни ишга тушириш январь-сентябрь плани бажарилмади. СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш, СССР Электр техника саноати, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрликлари, Ўзбекистон ССР Сув хўжалик қурилиши ва Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетлари ҳамда бошқа комитетлар корхоналарининг айрим муҳим ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш таъминланмади.

Турбинали электр станциялар, кўмир қазиб чиқариш, чўян қуйилма, компрессорлар, тебраниш подшипниклари, нотўқима материаллар тайёрлаш қувватларини ишга тушириш, йигириш урчуқлари ва тўқув станоклари ўрнатиш плани бажарилди. Шу билан бирга, кабель маҳсулотлар, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, ғишт, ички трикотаж ишлаб чиқариш, район босмахоналари ва бошқа қувватларни ишга тушириш юзасидан тўққиз ойлик топшириқларни бажаришда қолоқликка йўл қўйилди.

Давлат қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари ҳажми** 2,9 процент ортди.

Республикада бир вақтда қурилаётган объектлар сони ҳамон кўп бўлиб турибди. Қурилиш министрликлари зарур моддий-техника ва меҳнат ресурсларини ишга тушириладиган объектларга йиғмади. Бу эса шу объектларни ишга тушириш плани бажарилмаганлигининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Бир қанча қурилиш ташкилотлари ҳамон меҳнат унумдорлигига нисбатан иш ҳақи ўсиши устун келишига йўл қўймоқда, молиявий натижалар юзасидан планни бажармаётир.

(Давоми учинчи бетда).

